

Таомдан аввал ва кейин қўлларни ювиш одоби ҳақида



10:31 / 27.11.2018 6492

عُوضُ وُلُوهُ أَوْ هَلْبَقُ عُوضُ وُلُوهُ أَعْلَى كَرَبٍ لِقَابِ النَّبِيِّ نَعْنَعُهُ لَلْأَيِّضَرِ نَأْمَلَسْ نَع
يُذِمُّ رَتْلًا أَوْ دُوَادُوبًا هَآوَرُ هَدَّغَبُ

Салмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Таомнинг баракаси ундан олдин (икки қўлни) ювишдир ва ундан кейин (икки қўлни) ювишдир», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ:

Инсоният таомдан олдин икки қўлни ювишни ҳозирга келиб, бир мунча ўзлаштириб олди. Шу билан бирга, бу ишни шахсий озодалик, маданият ёки шунга ўхшаш сифатлар билан васф қилишга ҳам уринмоқда. Кўплари эса умуман, бу ишни билмайдилар ҳам.

Ислом эса таомдан олдин икки қўлни ювишни дийний таълимотлар орасига қўшган ва уни «барака» деб атаган.

Ушбу ҳадиси шарифга амал қилиб, ҳар бир овқатланишдан олдин ҳам, кейин ҳам икки қўлимизни «Дийнимиз амрига мувофиқ ювмоқдаман», деган ният билан ювмоғимиз лозим бўлади.

Ана шунда бу ишимиз учун савоб оламиз. Қолаверса, ўша ишдан келадиган барча дунёвий фойдалардан манфаатдор бўламиз.

Ушбу ҳадиси шариф овқатланишнинг исломий маданиятига оид дастлабки сабоғини бермоқда. Ҳар бир одам таом тановул қилишдан олдин ҳам, тановул қилгандан кейин ҳам икки қўлини яхшилаб ювмоғи лозим.

“Ҳадис ва ҳаёт” китобидан